

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ҚЎШИШ ВА ТУГАТИШ
МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

РЕФЕРЕТ

Илмий раҳбар: Мажидов Ж.

Бажарди: Ярашев Ж. ИКБИ-92

ТОШКЕНТ-2015

Режа:

Кириш

- 1. Ўзбекистонда банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳукукий асослари**
- 2. Мустақил Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичлари**
- 3. Республикамиз банк инфратузилмасининг жорий ҳолати таҳлили**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Инсоният бутун умри давомида уч буюк кашфиёт қилган: олов, гилдирак ва марказий банк.

Уилл Роджерс

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларидаги каби, банк тизимидаги ислоҳотларнинг ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг бешта асосий тамойилига асосланганлиги эришаётган беқиёс ютуқларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз томонидан жамиятнинг қон томири бўлган банк тизimini ривожлантиришга аҳолига ғамхўрлик қилиб келинаётганлиги мамлакатимиз банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Иқтисодиётнинг изчил суръатларда ўсиши, республикамызда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлида қўйган дадил қадамларимиз дунё ҳамжамияти, шу жумладан, нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан мунтазам эътироф этиб келинаётгани биз учун ниҳоятда қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”-ги ПҚ – 1438 – сонли Қарори ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган дастурий меъёрий – ҳуқуқий молия тизimini янада ислоҳ қилишга, унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишларини белгилашга ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга қаратилган.

Шу билан бирга банк – молия тизимига хусусан капитални янада кўпроқ жалб қилиш, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”-ги, “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”-ги, “Таров реестри тўғрисида”– ги қонунлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Юкоридаги фикрларни амалга ошириш ва банк тизимини янада ривожлантириш боарсидаги ишларни мувофақиятли хал этиб бориш борасидаги ишлар ургани малакавий ишн мавзусини ута долзарблигини билдиради.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 10 таси акциядорлик тижорат банки, 8 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий банкларнинг 6 та ваколатхонаси ўз фаолиятини юритмоқда, улар билан республикамиз тижорат банклари томонидан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Республикамизнинг барча ҳудудларида тижорат банкларининг тармоқлари янада кенгайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига банкларнинг филиаллари сони 846 тага етди¹.

Бугунги кунда тижорат банклари республикамизнинг барча минтақаларида ўз муассасаларига эга бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси ва хўжалик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кўрсаткичлари энг ривожланган мамлакатлар даражасига етди.

¹ 2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари www.cbu.uz сайти маълумотлари

1. Ўзбекистонда банк фаолиятини ташкил этишнинг ҳукукий асослари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, (2002 йилдаги 5-6-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламининг 38-моддаси) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади..

Банклар Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ одатда очик ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади.

Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омил бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

бизнес режанинг мақбуллиги;

капиталнинг адекватлиги;

даромадлиликнинг келгуси истиқболлари;

кўзда тутилаётган раҳбарнинг малакаси ва обрў-эътибори;

банкни очиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги;

монополияга қарши чоралар.

Банк муассислари ва акциядорлари

Юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин.

Банкларнинг қайта рўйхатдан ўтказилаётган банклар устав капиталида иштирок этишига йўл қўйилмайди, хорижий капитал иштирокидаги банклар ва шўъба банкларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

Бир юридик ёки жисмоний шахс ёхуд битим орқали ўзаро боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкани назорат қилувчи бир гуруҳ юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банк акцияларининг беш фоизидан ортиғи сотиб олинса, бу ҳақда Марказий банкка хабар берилиши, йигирма фоизидан ортиғи сотиб олинса, Марказий банкдан олдиндан розилик олинади.

Бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши 2000 йил 1 январдан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 20 фоизидан, 2001 йил 1 январдан — 13 фоизидан ҳамда 2002 йил 1 январдан — 7 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (давлат улуши, шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Агар шахс юридик шахсни бошқариш ёки унинг сиёсатига катта таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлса, у бундай юридик шахс мулкани назорат қилувчи ҳисобланади. Бунда шахс қуйидаги ҳолларда катта таъсир ўтказувчи ҳисобланади:

мазкур юридик шахснинг йирик иштирокчиси бўлса;

акциядорлар, раҳбарият ёки иштирокчилар билан расмий равишда битим тузиб ёхуд бошқа тарзда ҳуқуқий шахс фаолиятига раҳбарлик қилиш ёки уни бошқариш имкониятига эга бўлса.

Юридик шахснинг йирик акциядори ёки иштирокчиси деганда ўзаро битим билан боғланган ва ушбу юридик шахс устав капитали ёки овоз берувчи акцияларининг 10 ва ундан ортиқ фоизига тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда эгалик қилувчи бир ёки бир неча шахслар тушунилади.

Тўғридан-тўғри эгалик қилиш деганда акциядор (иштирокчи) томонидан овоз берувчи акцияларга бевосита эгалик қилиш тушунилади.

Воситали тарзда эгалик қилиш деганда юридик шахс овоз берувчи акцияларига шўъба корхоналар ва жамиятлар орқали эгалик қилиш тушунилади.

Агар икки ва ундан ортиқ шахслар расмий битим асосида ҳаракат қилса ёки банк акцияларига жамоа бўлиб тўғридан-тўғри ёхуд билвосита эгалик қилиш мақсадида онгли равишда параллел биргаликдаги фаолиятни олиб

бориш ҳоллари мавжуд бўлса улар банк акцияларига эгалик қилиш мақсадида битим билан ўзаро боғланган шахслар ҳисобланади.

Агар бир шахс ва бошқа юридик шахс банк акцияларига тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилсалар, ҳамда мазкур шахс ушбу юридик шахснинг йирик иштирокчиси ёки бундай шахснинг бошқаруви, кузатув кенгаши аъзоси ёхуд вакили бўлса, мазкур шахс юридик шахс билан келишув асосида фаолият юритувчи ҳисобланади.

Қуйидаги икки ёки ундан ортиқ шахслар бир-бири билан келишув асосида фаолият юритувчилар ҳисобланади:

агарда улар ушбу барча шахсларнинг йирик иштирокчиси, аъзоси (шериги) ёки юридик вакили ҳисобланган ҳеч бўлмаганда бир шахс билан боғлиқ бўлса;

агар улар банк акциялари эгаси ҳамда айна вақтда ўша юридик шахснинг бошқаруви, кузатув кенгаши аъзоси, йирик иштирокчиси (шериги) ёки юридик вакили бўлса (мазкур банкдан ташқари) ёхуд ушбу шахслар яқин қариндош бўлса. Шахснинг яқин қариндошлари турмуш ўртоғи (эри ёки хотини), ота-онаси, фарзандлари (жумладан, ўғай), ака-укалари ва опасингиллари ҳисобланади.

Банк муассислари у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида банк акциядорлари таркибидан чиқишга ҳақли эмаслар.

Банк муассислари бенуқсон ишбилармонлик ва шахсий обрў-эътиборга эга бўлишлари лозим.

Қуйидаги шахслар бенуқсон ишбилармонлик ва шахсий обрў-эътибор мезонларига номувофиқ деб ҳисобланадилар:

банкротликка учраган юридик шахснинг собиқ раҳбарлари, бошқаруви ва кузатув кенгаши аъзолари ёки йирик иштирокчиси ва юридик шахснинг банкротлиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келганлиги фактлари маълум бўлса;

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида ишларни нотўғри бошқариш ва виждонан юритиш мумкин эмаслигини намоёниш қилган шахслар.

Агарда муассис юридик шахс бўлса, юқорида қайд этилган талаблар бундай муассиснинг раҳбар ходимлари, бошқаруви ва кузатув кенгаши

аъзолари, устав капиталида 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорида овоз берувчи акциялар ёки улушлар эгаларига нисбатан қўлланилади.

Банк муассислари молиявий жиҳатдан барқарор бўлишлари лозим.

Юридик шахснинг молиявий беқарорлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

баланснинг ноликвидлиги;

тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик;

бу юридик шахс расмий равишда банкрот деб эълон қилинишидан қатъи назар унинг пассивлари активларидан ошиб кетиши;

бундай шахснинг мажбуриятлари банк барқарорлигига нисбатан муайян таваккалчиликни юзага келтирса;

юридик шахс тақдим этган баланс бу шахс зарур ҳолларда устав капиталини ошира олмаслигини кўрсатса;

бундай шахс томонидан банкда мулк сотиб олиниши кўзда тутилиши натижасида банкка ёки унинг омонатчиларига молиявий хавф солиниши мумкинлигини кўрсатувчи бошқа ҳоллар маълум бўлса.

Қуйидаги шахслар банк муассислари ва акциядорлари бўла олмайдилар:

банкротликка учраган юридик шахснинг собиқ раҳбарлари, бошқаруви ва кузатув кенгаши аъзолари ёки йирик иштирокчиси ва юридик шахснинг банкротлиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келганлиги фактлари маълум бўлса;

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида ишларни нотўғри бошқариш ва виждонан юритиш мумкин эмаслигини намоён қилган шахслар;

оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, бюджетдан ташқари фондлар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари, агар бошқа ҳолат қонунларда кўзда тутилмаган бўлса.

Муассислар акциядорлик жамияти шаклидаги банкни яратиш сари дастлабки кадам сифатида таъсис шартномасини имзолайдилар, сўнгра таъсис йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрадилар.

Мазкур ҳаракатлар муассислар томонидан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонунлар ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Агар банк ягона муассис сифатида давлат томонидан таъсис этилса, акциядорлик жамияти бўлган банкнинг таъсис ҳужжатлари унинг устави ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори ҳисобланади.

Банкни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида амалдаги қонунларда кўзда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар бўлиши керак:

муассисларнинг банкни ташкил этишга доир ҳуқуқ ва бурчлари, банкни таъсис этиш бўйича биргаликда фаолият олиб бориш тартиби;

муассислар тўғрисидаги маълумотлар, жумладан уларнинг ҳар бирининг тўлиқ фирма номи ва манзили, шунингдек, уларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахслар учун), исми, фуқаролиги, турар жойи ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (жисмоний шахслар учун);

банк устав капитали миқдори;

муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акциялар тоифаси ва турлари, уларни тўлаш миқдори ва тартиби.

Банк устави қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

банк номи (тўлиқ ва қисқартирилган) ва унинг манзили (почта манзили);

банк амалга оширмақчи бўлган банк операциялари рўйхати;

устав капитали миқдори, муассислар рўйхати, устав капиталидаги улушларнинг тақсимланиши, фондлар, жумладан захира ва суғурта фондлари рўйхати, уларни ташкил этиш ва фойдаланиш қоидалари;

устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш тартиби;

чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, турли хилдаги акциялар нисбати;

даромад (фойда), дивидендларни тақсимлаш ва зарарлар ўрнини қоплаш тартиби;

банк акциядорлари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

банк аудити тартиби, жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бухгалтерлик ҳисоби халқаро андозаларига мувофиқ ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсади;

банк бошқарув органлари, уларнинг ташкил этилиши, ваколатлари ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар;

банк бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши тартиби, жумладан акциядорларнинг малакали кўпчилик овози талаб қилинадиган масалалар рўйхати;

йиллик ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиш тартиби;

банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Банк устави қонунчиликка зид келмайдиган бошқа низомларни ўз ичига олиши мумкин.

Банк устав капитали

Банк устав капитали фақат муассислар ва акциядорларнинг пул маблағларидан таркиб топади.

Кредитга, гаровга олинган ва бошқа жалб этилган маблағлардан банк устав капиталини шакллантиришда фойдаланиш тақиқланади.

Қонунчиликка мувофиқ банк устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблақларидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу талабни бузган ҳолда устав капиталига қўшилган маблағлар акциядорга қайтариб берилади ва шу вақтнинг ўзида акциялар келгусида сотилиши учун банкка топширилади.

Ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик даражасини белгилашда қуйидагилар асосий ҳисобланади:

Марказий банк белгилаган устав капиталининг энг кам миқдори юзасидан талабларга мувофиқлиги;

кўзда тутилаётган ўсишни қўллаб-қувватлаш даражаси;

кўзда тутилаётган даромадлар ва асосий фондлар даражаси;

муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капитал кирита олиш қобилияти.

Банк рўйхатга олингунича устав капитали маблағларини тўплаш учун муассислар томонидан Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида муваққат жамғарма ҳисобварақ очилади.

Банк рўйхатга олинадиган вақтгача муассислар томонидан тўланиши керак бўлган устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Марказий банк фаолият шартлари, бизнес-режада кўрсатилган операциялар тури ва ҳажмига қараб банк устав капитали миқдорида қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Норезидент банк томонидан таъсис этилаётган шўъба банк ва чет эл капитали иштирокидаги банк ҳамда тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 5 млн. ЕВРО эквивалентига тенг бўлган суммада белгиланади.

Хусусий банк устав капиталининг энг кам миқдори 2,5 млн. ЕВРО миқдорида белгиланади ва фаолиятининг дастлабки уч йили давомида ўзгартирилмайди.

Таъсис ҳужжатларини рўйхатга олишда хусусий банклар учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг миллий валютадаги эквиваленти муассислар томонидан банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича аниқланади.

Банкни ташкил этиш вақтида устав капитали суммаси миқдорида эгаси ёзилган акциялар чиқарилиб, улар банк рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида банк акциядорлари таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайдиган муассислар ўртасида тақсимланади.

Банк Кенгашининг раиси ва аъзолари, бошқарув раиси ва унинг ўринбосари, бошқарув аъзолари, банк бош бухгалтери, банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери банкнинг раҳбар ходимлари ҳисобланади. Банкнинг раҳбар ходимлари бенуқсон ишбилармонлик ва шахсий обрў-эътиборга эга

бўлишлари лозим. Қуйидаги шахслар эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилади ҳамда банк бошқаруви раиси, банк бош бухгалтери, филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига тайинланиши мумкин эмас:

олий маълумотга эга бўлмаган шахслар

банклар ва хўжаликларга оид қонунчиликка доир етарли билимларга эга бўлмаган шахслар;

банкротликка учраган юридик шахснинг собиқ раҳбарлари ёки унинг устав капиталида 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорида овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар (агарда юридик шахснинг банкротлиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келган бўлса);

акциядорлар умумий йиғилиши;

банк Кенгаши (кузатув кенгаши);

банк Бошқаруви.

Банк Кенгашининг миқдорий таркиби устав ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра белгиланади.

Акциядорлар сони 500 гача бўлган очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши миқдорий таркиби камида беш аъзодан, 501 дан 1000 гача бўлган банкларда камида етти аъзодан ва 1000 дан ортиқ бўлган банкларда камида 9 аъзодан иборат бўлиши лозим.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши аъзолари умумий сони акциядорлар сонидан қатъи назар бешдан кам бўлмаслиги керак.

Банк бошқаруви ижро органи бўлиб, у оператив раҳбарликни амалга оширади ҳамда банк фаолияти учун жавоб беради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кенгашининг қарорларига мувофиқ банкнинг мол-мулкни бошқаради ва унинг капиталини тасарруф этади. Бошқарувга раис раҳбарлик қилади.

Бошқарув қонунчиликка мувофиқ банк Кенгаши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бошқарув банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беради.

Банк номи унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифода этиши лозим. Банк номида “давлат”, “республика” сўзларидан фойдаланиш, давлатнинг расмий тўлиқ ёки қисқартирилган номини кўрсатиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай номлар ёки давлат рамзи элементларини банк ҳужжатлари ёки реклама материалларига киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда рухсат этилади.

Марказий банк лицензиялар бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқаётганда, шунингдек, банк фаолият кўрсатаётган даврда агар таклиф этилаётган ном берилган лицензиялар рўйхатида бор бўлса, бошқа банкнинг номига яқин бўлса ва ўша банкнинг номи деб қабул қилиниши мумкин бўлса, бундай номдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Муассислар акциядорлик жамияти шаклидаги банкни яратиш сари дастлабки қадам сифатида таъсис шартномасини имзолайдилар, сўнгра таъсис йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрадилар.

Мазкур ҳаракатлар муассислар томонидан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонунлар ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Агар банк ягона муассис сифатида давлат томонидан таъсис этилса, акциядорлик жамияти бўлган банкнинг таъсис ҳужжатлари унинг устави ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори ҳисобланади.

Банкни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида амалдаги қонунларда кўзда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар бўлиши керак:

муассисларнинг банкни ташкил этишга доир ҳуқуқ ва бурчлари, банкни таъсис этиш бўйича биргаликда фаолият олиб бориш тартиби;

муассислар тўғрисидаги маълумотлар, жумладан уларнинг ҳар бирининг тўлиқ фирма номи ва манзили, шунингдек, уларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахслар учун), исми, фуқаролиги, турар жойи ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (жисмоний шахслар учун);

банк устав капитали миқдори;

муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акциялар тоифаси ва турлари, уларни тўлаш миқдори ва тартиби.

Банк устави қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

банк номи (тўлиқ ва қисқартирилган) ва унинг манзили (почта манзили);

банк амалга оширмоқчи бўлган банк операциялари рўйхати;

устав капитали миқдори, муассислар рўйхати, устав капиталидаги улушларнинг тақсимланиши, фондлар, жумладан захира ва суғурта фондлари рўйхати, уларни ташкил этиш ва фойдаланиш қоидалари;

устав капиталини кўпайтириш ва камайитиш тартиби;

чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, турли хилдаги акциялар нисбати;

даромад (фойда), дивидендларни тақсимлаш ва зарарлар ўрнини қоплаш тартиби;

банк акциядорлари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

банк аудити тартиби, жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бухгалтерлик ҳисоби халқаро андозаларига мувофиқ ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсади;

банк бошқарув органлари, уларнинг ташкил этилиши, ваколатлари ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар;

банк бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши тартиби, жумладан акциядорларнинг малакали кўпчилик овози талаб қилинадиган масалалар рўйхати;

йиллик ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиш тартиби;

банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Банк устави қонунчиликка зид келмайдиган бошқа низомларни ўз ичига олиши мумкин.

Банк устав капитали

Банк устав капитали фақат муассислар ва акциядорларнинг пул маблағларидан таркиб топади.

Кредитга, гаровга олинган ва бошқа жалб этилган маблағлардан банк устав капиталини шакллантиришда фойдаланиш тақиқланади.

Қонунчиликка мувофиқ банк устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблақларидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу талабни бузган ҳолда устав капиталига қўшилган маблағлар акциядорга қайтариб берилади ва шу вақтнинг ўзида акциялар келгусида сотилиши учун банкка топширилади.

Ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик даражасини белгилашда қуйидагилар асосий ҳисобланади:

Марказий банк белгилаган устав капиталининг энг кам миқдори юзасидан талабларга мувофиқлиги;

кўзда тутилаётган ўсишни қўллаб-қувватлаш даражаси;

кўзда тутилаётган даромадлар ва асосий фондлар даражаси;

муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капитал кирита олиш қобилияти.

Банк рўйхатга олингунича устав капитали маблағларини тўплаш учун муассислар томонидан Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида муваққат жамғарма ҳисобварақ очилади.

Банк рўйхатга олиннадиган вақтгача муассислар томонидан тўланиши керак бўлган устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Марказий банк фаолият шартлари, бизнес-режада кўрсатилган операциялар тури ва ҳажмига қараб банк устав капитали миқдorigа қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Норезидент банк томонидан таъсис этилаётган шўъба банк ва чет эл капитали иштирокидаги банк ҳамда тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 5 млн. ЕВРО эквивалентига тенг бўлган суммада белгиланади.

Хусусий банк устав капиталининг энг кам миқдори 2,5 млн. ЕВРО миқдорида белгиланади ва фаолиятининг дастлабки уч йили давомида ўзгартирилмайди.

Таъсис ҳужжатларини рўйхатга олишда хусусий банклар учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг миллий валютадаги

эквиваленти муассислар томонидан банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича аниқланади.

Банкни ташкил этиш вақтида устав капитали суммаси миқдорида эгаси ёзилган акциялар чиқарилиб, улар банк рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида банк акциядорлари таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайдиган муассислар ўртасида тақсимланади.

Банк Кенгашининг раиси ва аъзолари, бошқарув раиси ва унинг ўринбосари, бошқарув аъзолари, банк бош бухгалтери, банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери банкнинг раҳбар ходимлари ҳисобланади. Банкнинг раҳбар ходимлари бенуқсон ишбилармонлик ва шахсий обрў-эътиборга эга бўлишлари лозим. Қуйидаги шахслар эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилади ҳамда банк бошқаруви раиси, банк бош бухгалтери, филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига тайинланиши мумкин эмас:

олий маълумотга эга бўлмаган шахслар

банклар ва хўжаликларга оид қонунчиликка доир етарли билимларга эга бўлмаган шахслар;

банкротликка учраган юридик шахснинг собиқ раҳбарлари ёки унинг устав капиталида 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорида овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар (агарда юридик шахснинг банкротлиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келган бўлса);

акциядорлар умумий йиғилиши;

банк Кенгаши (кузатув кенгаши);

банк Бошқаруви.

Банк Кенгашининг миқдорий таркиби устав ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра белгиланади.

Акциядорлар сони 500 гача бўлган очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши миқдорий таркиби камида беш аъзодан, 501 дан 1000 гача бўлган банкларда камида етти аъзодан ва 1000 дан ортиқ бўлган банкларда камида 9 аъзодан иборат бўлиши лозим.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши аъзолари умумий сони акциядорлар сонидан қатъи назар бешдан кам бўлмаслиги керак.

Банк бошқаруви ижро органи бўлиб, у оператив раҳбарликни амалга оширади ҳамда банк фаолияти учун жавоб беради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кенгашининг қарорларига мувофиқ банкнинг мол-мулкни бошқаради ва унинг капиталини тасарруф этади. Бошқарувга раис раҳбарлик қилади.

Бошқарув қонунчиликка мувофиқ банк Кенгаши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бошқарув банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беради.

Банк номи унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифода этиши лозим. Банк номида “давлат”, “республика” сўзларидан фойдаланиш, давлатнинг расмий тўлиқ ёки қисқартирилган номини кўрсатиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай номлар ёки давлат рамзи элементларини банк ҳужжатлари ёки реклама материалларига киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда рухсат этилади.

Марказий банк лицензиялар бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқаётганда, шунингдек, банк фаолият кўрсатаётган даврда агар таклиф этилаётган ном берилган лицензиялар рўйхатида бор бўлса, бошқа банкнинг номига яқин бўлса ва ўша банкнинг номи деб қабул қилиниши мумкин бўлса, бундай номдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Банк номидан банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини, жумладан, вакил вазифаларини амалга оширувчи алоҳида бўлинма банк филиали ҳисобланади. Филиални уни ташкил этган банк мулк билан таъминлайди. Филиал номи банк номига тўлиқ мос келиши керак.

Филиал ўз фаолиятини банк Кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги Низом ва банк берган ваколатлари доирасида банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

Банк филиаллари қонунчиликка мувофиқ банк Кенгаши қарорига биноан Марказий банкдан олдиндан розилик олинган ҳолда очилади (ёки ёпилади) ҳамда Марказий банкда рўйхатдан ўтказилади. Филиалнинг у рўйхатдан ўтказилгунга қадар амалга оширган фаолияти ноқонуний ҳисобланади.

Марказий банкнинг филиал очишга берадиган дастлабки рухсатномасини олиш учун Лицензиялаш департаментида банк Кенгаши раисининг имзоси билан филиал очишга рухсатнома бериш учун

илтимоснома билан биргаликда филиални ташкил этиш тўғрисидаги Кенгаш қарори, мазкур филиални очиш учун иқтисодий асослов ҳамда филиалнинг тахминий баланс ҳисоботи ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботи тақдим этилиши лозим.

Лицензиялаш департаменти бир ой муддат ичида филиални очиш тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқиб, филиални очиш учун дастлабки рухсатнома бериш тўғрисидаги масалани Банкларни рўйхатга олиш комиссияси мажлиси муҳокамасига киритади. Дастлабки рухсатнома олиш учун банкнинг молиявий ҳолати қониқарли бўлиши ва у иқтисодий меъёрларга ҳамда амалдаги қонунчилик ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя этиши лозим.

Филиални очиш тўғрисида дастлабки рухсатномани олгандан сўнг банк филиални ташкил этиш бўйича зарурий ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириши лозим. Дастлабки рухсатномани берилиши филиалнинг рўйхатдан ўтказиши учун кафолат бермайди.

Марказий банк томонидан банк филиалини очиш учун берилган дастлабки розилик берилган вақтидан 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатгача ўз ҳуқуқий кучини сақлаб туради.

Филиал қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда очилиши мумкин:

- 1) банк қониқарли молиявий аҳволга эга бўлиши лозим;
- 2) банк иқтисодий меъёрларга, амалдаги қонунчиликка ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига риоя этиши керак;
- 3) банк филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига тақлиф этаётган номзодлар Марказий банк талабларига жавоб беришлари керак;
- 4) филиалда банк операцияларини автоматлаштирилган тарзда олиб борилиши ва электрон тўловларни амалга ошириш учун, филиал мазкур Низомнинг 10-бўлими талабларига жавоб берувчи техник-дастурий воситалар мажмуи, ахборотларни ҳимоялаш воситаларига шу жумладан, ички жараёнларга риоя этилишини таъминловчи доимий назорат тизимига эга бўлиши лозим.

Банк барча филиалларнинг вакиллик субҳисоб варақлари бўйича операцияларни ҳисобга олган ҳолда кунлик жамлама бухгалтерия балансини тузиш учун керакли дастурий-техник воситаларга эга бўлиши лозим. Кунлик жамлама баланснинг йўқлиги филиал ёпилиши учун асос бўлиши мумкин;

5) Марказий банк талабларига жавоб берадиган тегишли бино ва жиҳозлар мавжуд бўлиши зарур.

Филиални рўйхатдан ўтказиш учун Марказий банк Лицензиялаш департаментида қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

илтимоснома;

банкнинг мазкур филиали Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги банк Кенгашининг қарори;

филиал тўғрисидаги низом. Унда банк ўз ваколатлари доирасида филиалга берадиган ҳуқуқлар ва унинг зиммасига юкланадиган мажбуриятлар белгилаб қўйилади;

филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, филиал раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларига касбий мувофиқлигини баҳолаш бўйича Марказий банк комиссияси баённомасидан кўчирма;

филиал бинолари, унинг техник, жумладан дастурий-техник жиҳатдан жиҳозланганлиги ва банкни очиш учун дастурий-техник воситалар тайёрлиги тўғрисида далолатнома, касса тармоғининг тайёрлиги Марказий банк талабларига мувофиқ эканлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Филиални очиш учун тақдим этилган ҳужжатлар пакети бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси банкларининг Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган филиаллари юридик шахс ҳисобланмайдилар ва улар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб ўз фаолиятларини бошлайдилар.

Филиал юридик йиғмажилди қуйидагиларни ўз ичига олади:

банк ваколатли органининг мазкур филиални ташкил этиш ва унинг Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори;

филиални ташкил этиш иқтисодий асослаб берилган ҳолда уни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимоснома;

филиал тўғрисида низом. Унинг сарварағида филиал рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги белги, Марказий банк ваколатли мансабдор шахси имзоси, Марказий банк муҳри қўйилган бўлиши керак;

Марказий банкнинг Банкларни рўйхатга олиш комиссияси қарори (ёки қарордан кўчирма);

филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига номзодлар тўғрисидаги маълумот, шунингдек Марказий банкнинг филиал раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларига касбий мувофиқлигини баҳолаш бўйича комиссияси баённомасидан кўчирма;

банк филиалини рўйхатдан ўтказиш картаси (6-илова).

Юридик йиғмажилд уч нусхада тайёрланади. Унинг бир нусхаси Марказий банк Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментида сақланади, бошқа нусхалар филиални ташкил этган банкка ҳамда филиал жойлашган ҳудуддаги Марказий банк Бош бошқармасига берилади.

Таъсис бадалларини йиғиш учун ташкил этилаётган банкка Марказий банкда, Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб-касса марказида ёки Марказий банк билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида муваққат жамғарма ҳисоб рақам очилади. Бу ҳисоб рақамга устав капиталини тўлаш учун таъсис ҳужжатларида кўрсатилган тартиб ва миқдорда муассислар томонидан ўтказилган маблағлар қўйилади. Банк муассислари ваколат берган вакилининг муваққат жамғарма ҳисоб рақамини очиш тўғрисидаги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкни очиш учун берган дастлабки рухсати муваққат жамғарма ҳисоб рақамини очишга асос бўлади. Бу ҳисоб рақамдан белгиланган энг кам устав капитали жамғарилгунга ва банк фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олингунга қадар фойдаланилади. Агар жамғарма ҳисоб рақами республика тижорат банкларидан бирида очилган бўлса, ундаги маблағлар депозитлар сифатида жалб этилиши мумкин.

Дастлабки рухсатнома олинганидан сўнг ташкилий-техник тадбирларни бажариш, банк операцияларини автоматлаштирилган тарзда амалга ошириш учун бинолар ва жиҳозлар, дастурий-техник воситаларни тайёрлаш, касса тармоғини тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар муассислар ҳисобидан қопланади. Бунинг учун муассислар банкни ташкил этиш бўйича кўзда тутилаётган харажатларнинг тахминий ҳисоб-китобини бажарадилар ҳамда бир ёки бир неча муассис томонидан харажатларни амалга ошириш тўғрисида ўзаро шартнома тузадилар. Банкни ташкил этишга доир харажатларни амалга ошириш шартномаси ва кўзда тутилаётган

харажатларнинг тахминий ҳисоб-китоби банк рўйхатга олингунга қадар маъқуллаш учун Лицензиялаш департаментига тақдим этилади.

Банк рўйхатга олингач ва лицензияга эга бўлгач акциядорлар умумий йиғилишида муассислар банкни ташкил этишга доир харажатларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ қилган харажатлари ҳақида ҳисобот берадилар. Уларнинг ҳаракати акциядорлар умумий йиғилиши томонидан маъқулланса банк шартномага мувофиқ улар томонидан сарфланган суммани қайтариб беради.

Жамғарма ҳисоб рақамидаги маблағлар суммаси устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорига етганда ҳамда банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш учун лозим бўлган мазкур Низомда кўзда тутилган барча талаблар бажарилганда муассислар банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга оширишга лицензия олиш учун ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментига тақдим этишлари мумкин.

Банк белгиланган тартибда Марказий банкда рўйхатга олинганидан кейин вакиллик ҳисоб рақамини очиш учун Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вакиллик ҳисоб рақамини очиш учун ариза;

Марказий банкда рўйхатдан ўтказилган устав нусхаси;

имзолар ва муҳр изи намуналари қўйилган, нотариал тарзда тасдиқлаган карточка.

Вакиллик ҳисоб рақами очилганидан кейин Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси ёки жамғарма ҳисоб рақами очилган тижорат банки ваколатли вакил аризасига кўра муваққат жамғарма ҳисоб рақамидаги маблағларни ташкил этилган банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига ўтказди ҳамда уч кунлик муддатда муваққат жамғарма ҳисоб рақамни ёпади.

2. Мустақил Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши бевосита мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши билан боғлиқдир.

1. Айнан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги илк қонуни қабул қилиши билан мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланишининг биринчи босқичи бошланди. Натижада мамлакатимизда икки поғонали банк тизимини юзага келтиришнинг дастлабки ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу қонунга мувофиқ собиқ СССР Давлат банкининг республика бошқармаси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди. Марказий банкка пул муомаласини тартибга солиш, миллий банк тизимини шакллантириш, миллий тўлов тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилди. Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида Марказий банкда дастлаб пул-кредит сиёсати, валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бўлинмалар тузилди.

Ушбу, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, хўжалик субъектларини молиялаштириш ихтисослаштирилган банклар зиммасига юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур банкларда тегишли функционал бўлинмалар пайдо бўлишига олиб келди.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар миллий банк тизимини шакллантириш йўлидаги дастлабки, муҳим қадамлар бўлди. Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларидаги банк тизими бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Чунки, биринчидан, ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этиш қонунда устувор йўналиш сифатида эътироф этилди, бу эса бошқа тижорат банкларини ташкил этиш учун тенг имкониятлар яратмас эди; иккинчидан, мижозларда банкларни эркин танлаш ҳуқуқи йўқ эди; учинчидан, мижозларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини берувчи банк хизматлари турлари етарли эмас эди.

Миллий банк тизимини ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларида банкларнинг иштирокини кучайтириш масалаларига 1992-1994 йилларда эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 8-10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлигини таъкидлаб,

жумладан, шундай дедилар: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият куриш учун, авваламбор, ривожланган бо-зор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас»²

Президентимизнинг банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга оид фикрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқида давом эттирилди. Бунда асосий эътибор Марказий банк томо-нидан пул тизimini мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, миллий тўлов тизimini такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан халқ истеъмоли товарлари, курилиш моллари ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлашга қаратилди.

1992-1994 йилларда миллий иқтисодиётдаги аҳвол мураккаблигича қолди. Бу даврда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоиздан ошди. Бу кўрсаткич 1994 йилда ўзининг юқори чўққисига чиқди, яъни мазкур йилда инфляция даражаси 1282 фоизни ташкил қилди.¹ 1993-1994 йилларда тижорат банкларининг ресурслар базасига ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи мажбурий захира талабномалари сақлаб қолинди. 1993 йил ноябрь ойидан бошлаб талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар ва уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жалб қилинган депозитлар учун мажбурий захира ставкаси 30 % қилиб белгиланди.

Амалга оширилган тадбирлар кўлами, 1991-1994 йилларни Ўзбекистон банк тизimini ривожлантиришнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш имконини беради.

2. 1994 йилда миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши билан миллий банк тизimini шакллантиришнинг иккинчи босқичи бошланди ва у 1998 йилга қадар давом этди. Ушбу босқичда ҳақиқий икки поғонали банк тизими яратилди. Биринчи марта 1995 йил 21 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонун Марказий банкнинг муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат органи сифатидаги мавқеини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонуннинг аҳамиятга молик муҳим жиҳатларидан бири шундаки, Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақил ҳисобланади. Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

² И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-том.-Т:Ўзбекистон, 1996.-119 б.

¹ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.М. Муллажонов таҳрири остида.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-57 б.

1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунда тижорат банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида тижорат банкларининг сони ва кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди. Бу эса миллий банк тизимида рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Айниқса, автомобиль саноати корхона-ларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Асакабанк»ни, ғалла етиштиришни молиялаштирувчи «Ғаллабанк»ни, савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогарбанк»ни, пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги ва пахтани қайта ишлайдиган корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминловчи «Пахтабанк»ни ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини шакллантиришдаги жиддий қадам бўлди.

Иккинчи босқичда кўп сонли банклар очик турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилди. Бу эса ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштириш имконини берди. Ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий рағбатлантириш-ни кучайтириш мақсадида амалга оширилган зарурий тадбир эди. Лекин бизга халқаро банк амалиётидан маълумки, ихтисослаштирилган тижорат банкларининг активларни диверсификация қилиш имконияти чегараланган бўлади ва бу уларнинг риск даражасини оширади. Чунки бирор тармоқнинг заифлашиши ушбу тармоққа ихтисослашган банкларнинг ҳам заифлашишига олиб келади. Натижада тизимли риск туфайли бутун банк тизими заифлашиши мумкин.

«Тижорат банклари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда республика банк тизимини халқаро банк амалиётини ўрганиш асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, банкларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги ҳам оширилди.

Иккинчи босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Улардан асосийси, жалб қилинадиган аҳоли омонатларининг умумий суммасини тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмлари билан чеклайдиган Низомнинг бекор қилиниши бўлди. Бу тадбир қисқа вақт ичида ўз самарасини берди: 1994 йил бошида аҳолининг банк тизимидаги жамғармаларининг 98,5 фоизи Жамғарма

банки ҳиссасига тўғри келган бўлса, шу йилнинг охирига келиб бошқа тижорат банкларининг улуши 12,8 фоизни ташкил этди.¹

Миллий банк тизимини ривожланишига кучли тurtки берган омиллардан асосийси тўрт йил мобайнида, яъни 1994-1998 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан тижорат банкларини асосий солиқ турларидан озод қилинганлиги ҳисобланади. Солиқларни тўлашдан бўшаган маблағларнинг сезиларли қисми банклараро тўловларни амалга оширишнинг ягона электрон тизимини яратишга сарфланди. Натижада қисқа муддат ичида халқаро андозалар талабларига жавоб бера оладиган замонавий банклараро тўловлар тизими яратилди.

Солиқлардан бўшаган маблағларнинг маълум қисми республика банкларининг барча мижозлари бўйича маълум ахборотни сақлаш, тузиш ва янгилашнинг кўп мақсадли тизими бўлган Банк депозитарийларининг миллий ахборот базасини тузишга йўналтирилди. Бу тизимдан фойдаланувчилардан бири кредит бюроси бўлиб, у кредит олувчиларнинг молиявий аҳволи ва уларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни йиғади.

Банк тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан яна бири, шубҳасиз, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги тизимига ўтилганлигидир. Мазкур тизимга ўтиш 1994 йилдан бошланди. 1996 йилнинг иккинчи ярмида ўша пайтдаги дунёдаги ўта нуфузли компаниялардан бири “Артур Андерсен” консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда Марказий банк мутахассислари томонидан банклар учун бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши хусусий банклар ривожлантирилишга сезиларли даражада ижобий таъсир қилди. Мазкур Фармонга кўра низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда хусусий тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан,

- янги ташкил этилаётган хусусий банклар минимал устав фонди 300 минг АҚШ доллари қилиб белгилаш;

- янги ташкил этилган хусусий банклар ташкил этилган пайтдан бошлаб 2 йил даромад солиғидан озод қилиш;

- янги ташкил этилган хусусий банкларга 6 ой ичида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш каби имтиёзлар

¹ Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-79 б.

берилди. Ушбу Фармоннинг амалиётга татбиқи натижасида 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига хусусий банкларнинг сони 18 тага етди¹.

Миллий банк тизимида банкларни корпоратив бошқариш тизimini мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим роль ўйнайди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва Банк Кенгашларининг ролини оширишга доир тадбирлар мажмуини белгилаб берди. Фармонда давлат улуши банк капиталида 25 % дан ошган ҳолда Банк Кенгаши таркибига Марказий Банкдан ишончли вакил киритилиши айтиб ўтилди. Фармон чиққунга қадар банк Кенгашлари, улар зиммасига банк фаолияти устидан назоратни, жумладан, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назоратни амалга ошириш масъулияти юклатилганлигига қарамасдан, ўз мажбуриятларини бажаришга юзаки муносабатда бўлиб келишарди. Бу эса, пировард натижада, банкларнинг кредит ва қимматли қоғозлар портфелининг сифатини ёмонлашувига олиб келарди.

Халқаро банк амалиёти ҳамда банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси хулосаларига кўра банк Кенгаши ўзига юкла-тилган вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал этиши учун унга банк ички аудит хизмати бевосита ёрдам кўрсатиши лозим. Шу боисдан Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар ўзгарди. Бундан буён барча тижорат банклари фаолияти ва ўтказилаётган операцияларнинг ҳар бир тури учун ички назорат тамойилларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Банкнинг ички аудит хизмати ижрочи раҳбариятга бўйсунмаслиги ва хизмат ходимлари юқори малакага эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатланти-ришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига биноан ваколатли банклар халқ истеъмоли моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, республика иқтисодиётини базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳа-ларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарга (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга) сўмларни эркин

¹ Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.: Ўзбекистон, 2005.-83 б

муо-маладаги валюталарга имтиёзли равишда айирбошлаб беришни таъминлайдилар.

Республика иқтисодиётини бозор муносабатлари тамойилларига асосланиб ривожлантирилиши, албатта, молия тизимини ва валюта бозорини эркинлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун биржадан ташқари валюта бозорининг кўламини янада кенгайтириш зарурияти туғилди.

Хукуматимиз ва Марказий банк валюта бозорини янада эркинлаштиришни, миллий валютамиз сўмнинг хорижий валюталарга эркин айирбошланишини босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини қўллади.

Миллий банк тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иккинчи босқичига хос бўлган айрим долзарб муаммолар бўлганлиги таҳлил жараёнида маълум бўлди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Юқори даражадаги мажбурий захира талабномаларининг сақланиб қолганлиги.

1994 йилдан 1998 йилга қадар мажбурий захира ставкаси сезиларли даражада, яъни 10 пунктга пасайтирилди. Аммо у ривожланган хорижий давлатлар амалиётига нисбатан юқори эди. Масалан, мажбурий захира ставкаси Японияда 0,1-0,125 фоизни, Буюк Британияда 0,45 фоизни, Германияда 7-8 фоизни ташкил қилади. Республикамизда эса мазкур даврда уч йилгача муддатга жалб қилинган барча депозитлар учун захира ставкаси 20 % қилиб белгиланган эди. Бунинг устига, захира ставкаси депозитнинг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаган эди.

б) Тижорат банкларининг ресурс базаси заифлиги.

Республикамиз тижорат банклари ресурсларининг иккинчи босқичи таҳлили натижаларига кўра, уларнинг депозит базаси ҳажмида 1994-1998 йиллар мобайнида жорий депозитлар салмоғининг 80 фоиздан юқори бўлганлиги уларнинг ресурс базасини заиф бўлганлигидан далолат беради.

3. Ўзбекистон миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичи 1999-2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январда қабул қилинган «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори навбатдаги босқичга ўтишга асос бўлди. Қарорда тижорат банклари низом жамғармасининг минимал ҳажми, низом жамғармасида битта акциядор улушининг максимал ҳажми, тижорат банкларининг бир-бирларининг низом жамғармаларида иштирок этиши, банкларни хусусийлаштириш бўйича қўйиладиган талаблар каби долзарб масалалар ўз аксини топди. Ушбу қарорга мувофиқ банк тизимини ислоҳ қилиш борасида республика комиссияси тузилиб, банк тизимидаги ислохотларни янада

чуқурлаштириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Учинчи босқичда банк тизимида хорижий капиталларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сонли Қарорига мувофиқ, 2000 йилда «Асакабанк»нинг 50%, 2001 йилда Миллий банкнинг 40 % акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш мўлжалланди.

Мазкур босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилишни рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонунга мувофиқ фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Бу ўз навбатида, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини ошириб, инвестицион жараёнларга аҳоли омонатлари салмоғи ошишига хизмат қилди. Ушбу Фонд ҳақида кейинги бобларда тўлиқроқ тўхталиб ўтамыз. Шунингдек, банклардаги аҳоли омонатларидан мажбурий захира фондига ажратма қилиш бекор этилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга бир пайтнинг ўзида бир неча банкда ҳисоб рақамлари очишга рухсат берилиши ҳам банклараро рақобат муҳитини кучайтишига олиб келади ва банкларнинг универсаллашуви учун самарали қадамлардан бири бўлди.

Миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири инфляцияни жиловлашга муваффақ бўлинганлиги ва шунинг асосида кредитларнинг фоиз ставкаларини барқарорлаштиришга эришилганлиги ҳисобланади. Хусусан, расмий қайта баҳолаш ставкасининг йиллик даражаси 2000 йилнинг 3 июлидан бошлаб 24 % қилиб белгиланди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич шу йилнинг биринчи чорагида 36 % эди.

Учинчи босқичда тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлашнинг кучайтирилиши миллий иқ-тисодиётимизни ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. 1999 йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 49,3 млрд. сўми, шу жумладан, хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 205,5 млн. АҚШ доллари кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларини ривож-лантиришга йўналтирилди. 2001 йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш учун 72 млрд. сўм маблағ ажратилди.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий ҳисобот материаллари.-Тошкент, 2002 йил, 18 февраль.

Миллий валютанинг тўлиқ ички конвертацияланишига эришиш, миллий валюта бозорини янада эркинлаштириш масалалари миллий иқтисодиёт ривожланишининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли «Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши муҳим роль ўйнайди.

Ушбу Қарорларга кўра, Марказий банк томонидан эълон қилинадиган расмий валюта курси бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритишда, шунингдек, божхона тўловларини амалга оширишда ишлатилади. Шунингдек, мажбурий тўловларни амалга оширишга доир барча ҳисоб-китоблар ҳам Марказий банк курси билан бажарилади.

Ушбу қарорларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад кўйидагилардан иборатдир:

- мамлакатнинг ички валюта бозорини барча айирбошлаш операциялари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган валюта курси билан амалга ошириладиган ҳақиқий валюта бозорига айлантириш. Бу борада 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб, ҳукумат кафолатлари асосида мамлакатимизга турли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2001 йилнинг 1 июлигача чет элдан жалб қилинган кредитлар ва уларнинг фоизларини тўлашга доир операциялардан ташқари қолган барча операциялар валюта курси талаб ва таклиф асосида шаклланадиган биржадан ташқари бозорга ўтказилади;

- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни янада кучайтириш, кичик ва ўрта корхоналарни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, улар 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзлари ишлаб чиқарган товарлар экспортдан тушадиган валюта тушумининг белгиланган қисмини мажбурий сотишдан озод қилиндилар. Шунингдек, уларга валюта тушумини белгиланган тартибда банк кассаларига қирим қилиш шарти билан товарларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат этилди.

Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ривожлантириш, ундаги барқарор талаб ва таклифни юзага келтириш мақсадида Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси тузилди ҳамда марказ-лаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг 50 % ни мажбурий сотиш жорий этилди.

Банклар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

4. Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичи

Ушбу босқичнинг муҳим ютуқларидан бири бу – 2003 йил 15 октябрда мамлакатимиз томонидан Халқаро Валюта Фондининг VIII банди шартларининг қабул қилинишидир. Бу билан миллий валютаимизнинг эркин конвертациясига эришилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва банкларга аҳоли жамғармаларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Банк сирини тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда банк сирини сақлашга доир талаблар ва банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мумкин бўлган вазиятлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарори қабул қилиниши тижорат банкларига кредит олоқчи бўлган мижозларининг кредит тарихини билиш имконини бериши уларнинг риск даражасини камайтирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорида тижорат банкларининг даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари кўпайган сумма миқдорида камайтиши кўзда тутилган эди. 2004 йил 26 февралдаги 89-сонли қарорига кўра ушбу имтиёзлар пластик карточкалардаги омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлар ҳажмининг ошишига ҳам қўлланиладиган бўлди. Бу ўз навбатида, инфляция жараёнида банкларнинг омонатларни жалб қилиш операцияларини рағбатлантирди ҳамда банк иши самарадор-лигига ижобий таъсир этди.

Кредит уюшмаларининг сони 2004 йил 1 январ ҳолатига кўра 14 тани ташкил этди.¹ Шунингдек, “Лицензияланадиган фаолият турлари рўйхати” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги қонунларга киритилган ўзгартиришларга кўра Рес-публикадаги ломбардлар фаолиятини тартибга солиш вазифаси Марказий Банк зиммасига юклатилган эди. 2003 йилнинг 17 сентябри-да Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятларини лицензиялаш масалалари тўғрисида” 402-сонли қарори қабул қилинди. Бундай

¹ “Бозор, Пул ва Кредит” журналининг 2004 йил март сони: “Монетар сиёсатнинг 2004 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”

нобанк кредит институтларининг ташкил этилиши мамла-катимиз банк тизимига янги рақобатчиларни кириб келишига сабаб бўлди. Ва албатта, аҳолининг қисқа муддатли кредитларга бўлган талаби қондирилди.

5. Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг бешинчи босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан бошланди. Ушбу қарор асосида “2005-2007 йилларда банк секторини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури” қабул қилинди. Дастурда янги ташкил этилаётган банклар устав капитали миқдорини халқаро Базель кўмитаси тамойилларига мослаштириш ва босқичма-босқич ошириб бориш мақсад қилиб олинди. Жумладан, 2007 йил 1 январига қадар тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 5 млн. АҚШ доллари эквивалентига, хусусий банклар учун 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентига етказиш ҳамда тижорат банкларининг ўз устав капитали (регулятив капитали)нинг банк активлари уму-мий миқдorigа нисбати 10 % дан кам бўлмаслиги белгиланди. Тижорат банкларининг устав капиталининг минимал миқдори босқич-ма-босқич ошириб бориш кўзда тутилди ва 2005 йил 1 июлидан бошлаб тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 3 млн. АҚШ доллари эквиваленти, хусусий банклар учун 1,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти, чет эл капитали иштирокидаги банк-ларга 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдorigа белгиланган бўлса 2006 йил 1 январдан бошлаб эса мос равишда 4 млн., 2 млн., 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдorigа қилиб белгиланди.

Тижорат банклари акциялари жозибадорлигини ошириш мақса-дида тижорат банклари акциясидан жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадлари 2010 йилнинг 1 январигача солиққа тортишдан озод қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлашиши даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

✚ юридик шахсларнинг тижорат банкларининг акцияларидан дивиденд сифатида оладиган даромадлари солиқдан озод этилади;

✚ фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банк-лари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтиради.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги ўрнини ошириш ва уларнинг бу жараёндаги иштирокини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорига

катнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизигача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишга рухсат берилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ишлари бу босқичда ҳам давом эттирилди. Жумладан, 2005 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги Қарори аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишда муҳим роль ўйнади.

Банкларнинг капиталлашув жараёнида аҳоли ва нодавлат ташкилотларнинг, яъни хусусий фирма ва корхоналарнинг улуши ошиб бориши ушбу бешинчи босқичнинг асосий ютуғи ҳисобланади. Бунинг ёрқин исботи сифатида, 2005 йилда Тадбиркорбанк, Савдогарбанк, Трастбанк, Ғаллабанк, Приватбанк ва “Ипак йўли” банки устав капиталидаги давлат улуши тўлиқ сотилганлигини келтириш мумкин. Шунингдек, тижорат банклари ўртасида рақобатни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда “Асака” банкни, 2005-2009 йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкни хусусийлаштириш ва бунда давлат улушини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотиш вазифаси белгилаб олинди. Банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаш мақсадида ушбу босқичда нобанк молия ташкилотларига алоҳида эътибор берилди. 2006 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилган бўлса, 2006 йил 20 сентябрда эса “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Унга кўра, Тошкентда ташкил этилаётган микрокредит ташкилотлари устав жамғармасининг энг кам миқдори миллий валюта эквивалентида 20 минг АҚШ доллари, бошқа аҳоли пунктларида эса 10 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди. Микрокредит ташкилотлари аҳолига микро-кредит, микроқарз ва микролизинг хизматларини кўрсатади, аммо аҳоли омонатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2005 йилда иккита банк, яъни “Ўзуйжойжамғармабанк” ва “Заминбанк” бирлашиши орқали янги “Ипотека банк” акциядорлик-тижорат ипотека банки ташкил этилди. Бундан асосий мақсад аҳолининг уй-жойларга бўлган талабини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этишдир. Унга кўра

ипотека кредити 2 йиллик имтиёзли муддат билан камида 15 йилга кўпи билан 5 % ли ставкада тақдим этилади.

Банк тизимида олиб борилаётган кредит сиёсати иқтисодийни реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни молия-лашга қаратилган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекларига микрокредитлар беришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йил 5 майда Тадбиркорбанк Микрокредитбанкка айлантирилди.

Истеъмол кредити бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши, жумладан 2006 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши ушбу кредитнинг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

2006 йил 11 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3751-сонли Фармони қабул қилинди. Жамғарманинг устави 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ташкил этилди. Бу мамлакатда инвестицион жараёнларни жадал-лашишига туртки бўлиш билан бирга мамлакат банк тизими ривожига ҳам сезиларли таъсир этади.

3. Республикамиз банк инфратузилмасининг жорий ҳолати таҳлили

Банк тизими инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 10 таси акциядорлик тижорат банки, 8 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банklar ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий банklarнинг 6 та ваколатхонаси ўз фаолиятини юритмоқда, улар билан республикамиз тижорат банклари томонидан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Республикамизнинг барча ҳудудларида тижорат банklarининг тармоқлари янада кенгайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига банklarнинг филиаллари сони 846 тага етди.

Банк муассасаларини аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларига янада яқинлаштириш, банк хизматларидан фойдаланиш шароитларини янада

қулайлаштириш, шу жумладан, миждозларга коммунал ва бошқа тўловларни тўлашлари учун янада қулайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган мини-банк ва махсус кассалар сони 2014 йил якуни бўйича 4 244 тага етди, шундан 2 198 таси қишлоқ жойларда жойлашган.

2014 йилда банк тизимида молия-банк хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга қулай ва сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари («Банк-миждоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва бошқалар)нинг республика миқёсида жорий этилишини жадаллаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш борасида тегишли тадбирлар кўриб борилди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар умумий сони 534,8 мингтадан ортиб, 2014 йил бошига нисбатан 2 баробарга кўпайди. Шундан, «Интернет-банкнинг» ва «Банк-миждоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 62,2 мингтани ташкил этган бўлса, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар сони 472,6 мингтага етди.

Ўз навбатида, банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2014 йилнинг бошига нисбатан 2,4 млн. донага ортиб, 13,4 млн. донани ҳамда чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 2014 йилнинг бошига нисбатан 29,3 минг донага ортиб, 159 минг донани ташкил қилди.

Натижада 2014 йил давомида пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 22,8 трлн. сўмни ташкил этди.

2014 йилда банк тизими инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш ва гаров реестри тизими фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Марказий банк қошида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Шунингдек, Ҳукумат қарори билан Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди ва мазкур Низомда гаров реестрини шакллантириш ва ундан фойдаланиш шартлари, шу жумладан, гаров реестрига маълумотларни киритиш, уларни ўзгартириш ва чиқариб ташлаш ҳамда гаров реестридан фойдаланиш шартлари белгилаб қўйилди.


«Гаров реестри» дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан фойдаланишга қабул қилинди. «Гаров реестри» корхонаси учун www.garov.uz домен номи (манзили) расмийлаштирилди ва интернет тармоғида ишга туширилди.

Умуман олганда, банк инфратузилмасининг тобора кенгайиб ва такомиллашиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг янада яхшиланишига ҳамда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда.

Банк тизими фаолиятининг ўтган йилги кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори даражаларга эришилди.

Хусусан, Бугунги кунда мамлакатимиз банклари капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг капиталини етарлилик даражаси МДХ мамлакатлари банкларида ўртача 15-17%ни ташкил этмоқда. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 6,9 трлн. сўмдан ошиб кетди (1-диаграмма).

Тижорат банклари капитали (млрд.сўм)




1-диаграмма. Тижорат банкларнинг капитали динамикаси³

Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан буён 64 фоиздан юқори бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумқабул қилинган минимал кўрсаткичдан 2 баробар ортиқдир.

Банк активлари 2013 йилга нисбатан 28,2 фоизга ўсиб, бугунги кунда 56,2 трлн. сўмдан ошди (2 -диаграмма).

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВЛАРИ (ТРЛН.СЎМ)



2-диаграмма. Тижорат банклари активлари динамикаси⁴

Самарали банк назоратининг халқаро стандартлар асосида амалга оширилиши, банк ликвидлиги ва активлари сифати устидан доимий мониторинг олиб борилиши мамлакатимизнинг барча тижорат банклариغا етакчи халқаро рейтинг агентликлари – «Fitch Ratings», «Moody's» ва «Standart & Poor's»дан тақдим этилган «барқарор» ижобий рейтинг баҳоларини янгилаш имконини берди.

³ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди


⁴ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди

«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги эса Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истикболларини кетма-кет бешинчи йил «барқарор» деб эълон қилди.

Банк тизими фаолиятининг асосий индикаторлари, хусусан, «банкларнинг умумий капитали етарлилиги», «тижорат банкларининг ликвидлиги», «депозитлар ҳажмининг динамикаси», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши» 2014 йил якунлари бўйича юқори баҳоларга мос бўлди.

Банклар томонидан 2014 йил учун устувор вазифа қилиб белгиланган саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоиз кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. сўмдан ортди (3-диаграмма).



3-диаграмма. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми⁵.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестицион кредитлари миқдори ҳам 2013 йилга нисбатан 1,2 баробардан зиёдга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 8,5 трлн. сўмни ташкил қилди (4-диаграмма).

⁵ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди



4-диаграмма. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳажми⁶.

Банк тизими томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Республикамиз Президентининг кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган директив ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар натижасида соҳа субектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 22 баробар кўпайиб, 2014 йил ҳолатига кўра 9,2 трлн. сўмдан ортди.(5-диаграмма).



5-диаграмма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар ҳажми⁷

⁶ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди


Жумладан, микрокредитлар ҳажми 1,9 трлн. сўмдан ошиб, бу кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсиши таъминланди.

Тижорат банклари томонидан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар миқдори 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиши таъминланди ва 960,2 млрд. сўмдан зиёд бўлди.

Шунингдек, банклар ёшларни, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Хусусан, 2014 йилда ушбу йўналишга 200,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, мазкур кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан қарийб 1,4 баробар ўсди

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимида бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бориши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб қолмоқда.

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш, ресурс базасини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида банкларнинг жами депозитлари миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 30,4 фоиз ўсиб, бугунги кунда унинг миқдори 28,5 трлн. сўмдан ошди. (6-диаграмма).



6-диаграмма. Тижорат банкларнинг жами депозитлари миқдори⁸.

⁷ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди

⁸ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди

Ҳисобот йилида молиявий хизматлар таркибида бевосита банк хизматлари улуши 89 фоизга етиб, бу кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёд ошди. Бу аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини кенгайтириш борасида кўрилаётган мақсадли чора-тадбирлар самарасидир.

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳисобот йили якунларига кўра, муомалага чиқарилган пластик карталар сони 13,4 млн. данадан ошиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони 159 мингтага етди.

Хулоса

Банкларнинг ижтимоий институт сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолиш учун уларнинг ижтимоий ваколатлари ва жавобгарлигини аниқлаштириб олиш лозим. Бу ваколатлар банкларнинг турли субъектлар, шу жумладан, акционерлар, инвесторлар, мижозлар ва ўз хизматчилари билан ўзаро муносабатларига тааллуқли.

Банк ўз вазифаси ва унга юклатилган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, шу жумладан, давлат дастурларининг амалга ошишига, йирик кўламдаги миллий лойиҳаларга, кичик тадбиркорлик субъектларига ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Банкка юклатилган алоҳида ижтимоий вазифа банк инвестициялари орқали кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотлар сифатини таъминлашни, уларни молиявий имкониятлари чекланган фуқаролар олиши мумкин бўлишини, ижтимоий йўналтирилган хизматларни ривожлантириш (шу жумладан, истеъмол кредитлари, ипотека кредитлари, таълим кредитлари, ёш оилаларга кредитлар, замонавий электрон технологиялар ва б.)ни, экологик тоза ишлаб чиқаришни ривожлантиришда асосий молиявий маблағ ҳисобланади. Дунё иқтисодиётининг ҳолати ва ривожланиши, шунингдек, молиявий-иқтисодий инкироздан олинган хулоса давлат банк секторини бошқаришда фаол иштирок этиши зарурлигини кўрсатди. Бозор иқтисоди воситаларининг муҳимлиги сақланиб қолган ҳолда давлатнинг пул-кредит соҳасини тартибга солишдаги роли ошиб боради.

Банк тузилмасини такомиллаштириш фаолияти юқори хатарлар билан боғлиқ инвестицион банкларга ҳам тааллуқли бўлиши керак.

Банк фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши тизимли банклар тузилиши жараёнини тартибга солиш, минтақалар

иқтисодиётининг эҳтиёжларига мос жавоб берувчи, шу жумладан, ички манбалардан фойдаланиш орқали ривожланаётган, йирик ва кичик банклар фаолиятини бирлаштирадиган минтакавий банк тармоқларини шакллантиришдан иборат бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда мамлакат иқтисодига чайқовчилик амалиётларига чалғиб кетган ва миллий капиталнинг хорижга чиқиб кетишига тўсқинлик қилмайдиган банклар эмас, балки хориждан капитал жалб қилишни ривожлантирадиган банклар зарур. Алоҳида нуфузга эга бўлган ривожланган банклар уларга берилган кафолатлар ва юқори рейтинги туфайли халқаро молиявий бозорда узоқ муддатга (10-12 ва ундан ортиқ йил) нисбатан арзон ресурсларни жалб этиш ва йирик ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тармоқ ва тармоқлараро лойиҳаларни, кичик тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш ҳуқуқига эга.

Йирик тижорат банкларини мунтазам равишда ривожланаётган банклар тизимига айлантириб бориш анъанаси мавжуд ресурсларни инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун консолидация қилиш, уларнинг фаол операцияларидаги устун йўналишларни аниқлаб бериш ҳамда банкларнинг ҳудудлардаги филиалларини қўллаб-қувватлаш имконини беради. Давлат сиёсати орқали рағбатлантириладиган ривожланаётган банклар гуруҳининг фаолияти молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг иқтисоддаги ролини ошириш имконини беради, уларни тартибга солиш кучайтирилганда эса рақобатни, хусусий ташаббускорликни, инновацион фаолиятни, хусусий бизнесни мамлакат иқтисодидаги муҳим йўналишларга йўналтирилишини ривожлантириш учун шароит яратади.

Банк тизими фаолиятида тартибсиз ривожланишга барҳам бериш, молиявий- иқтисодий инқирозларнинг юзага келишига тўсқинлик қилувчи огоҳлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириш орқали банклар стратегиясини давлат сиёсатидаги муайян иқтисодий мақсадларни амалга оширишга эътибор қаратиш керак. Мамлакатдаги молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти учун бугунги кунда ҳам, келгусида ҳам банк тизимини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Банклар фаолиятини модернизация қилишда уларнинг инвестициясини иқтисодий субъектларнинг эҳтиёжларини кредитлашга йўналтириш жуда муҳим. Мавжуд тизим кредитлашнинг иқтисодий чегараларига риоя этиш, қарз олувчи соҳасининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда унинг механизмини дифференциаллаштириш, кредитлаш объектларини ривожлантириш ва йириклаштириш, кредитлаш жараёни харажатларини қисқартиришни таъминловчи жиддий ўзгартиришларга мухтож. Ҳозирги

амалиёт кредитлашнинг янги турларини ривожлантириш, шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришга кредитлар ажратишни ривожлантиришни талаб этади, бунда кредитлаш объекти йириклашганда кредит муддати шартнома муддатига боғлиқ қилиб қўйилади. Кредитлар ажратиш траншалар (бир неча босқич) орқали амалга оширилади, уни қайтариш эса бўнақлар олиш ва тайёр маҳсулотни сотишдан (реализация қилгандан) кейин тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Мамлакат иқтисодига янги банк инвестицияларини киритиш асносида анъанавий инвестиция маҳсулотларини молиялаштиришга (мавжуд корхоналар базасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш) эътибор қаратиш билан бирга, лойиҳаларни молиялаштиришга (кредитлаш) ҳам эътибор қаратиш зарур. Корхоналар инновацион фаолиятида банкларнинг ролини оширувчи бундай турдаги кредитларни ривожлантиришнинг муҳим шarti сифатида молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг мустақкам ресурс базасини шакллантириш, инновацион жараённинг турли босқичларида хатарларни бошқаришнинг йўлга қўйилган тизимини яратиш, самарадорлиги ва ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан инновацион инвестиция объектини танлай билиш талаб этилади.

Замонавий телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш, ми- жозлар қаерда бўлишидан қатъий назар, уларга юқори сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш. Банк хизматларини ташкил этишда янги инфор- мацион технологиялардан кенг фойдаланиш зарур. Информацион технологияларнинг ривожланиши банк хизматлари ичида ми- жозга телефон, модем ва компьютер ёрдамида банк операцияларни ўтказишга имкон беради ва банк хизматлари таннархини пасайтиришга имкон беради, операциялар тезлигини оширади. Хориж тажрибасини миллий банкларимиз амалиётига жорий этиш келажакда ўз самарасини бериши табиий. Бу борада:

— телефон банкинг — телефонли тонал рақамлаштириш орқали банк хизматини кўрсатиш;

— ПС — банкинг — компьютер, модем, сервер орқали ми- жозга хизмат кўрсатиш.

— интернет банкинг — интернет орқали хизмат кўрсатиш йўналишларини ташкил этиш керак.

Бу замонавий хизмат турлари ер куррасининг ҳоҳлаган жойида банк ҳисоб-китобларини ўтказишга имкон беради. Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда Европа мамлакатларидаги жами банк хизматларининг 25 % и интернет орқали амалга оширилади. Уяли телефон орқали амалга

оширилувчи мобил - банкинг хизмати Европада келажакда банк хизматларининг 40 % ини ташкил этиши кутилмоқда.

Банклар томонидан мижозларга эркинликлар яратиш ва уларнинг ўз кўзига хизмат кўрсатишга ўтишига асосланиши зарур. Хизмат кўрсатишни электрон тизимига ўтиш, уларни унификациялаш ва мобиллигини ошириш давр талабига айланиб бормоқда. Маълумки, дунёнинг аксарият ривожланган банклари мижозларга узлуксиз хизмат кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бундай хизмат кўрсатиш «Дойче-банк» (Германия), «АБН АМРО БАНК» (Голландия), «Сосьете Женераль» (Франция) ва «Ситибанк» (АҚШ) банкларида кўриш мумкин. Бу банкларда банк хизматлари стратегияси асосан паст тарифларда янги мижозларга, корреспондент-банкларни жалб этиш, замонавий тўлов тизимлаоидан фойдалана олиш имкониятларига асосланади ва мижозларга хизмат кўрсатиш кунига 24 соат давомида ҳафтасига 7 кун олиб борилади. Хизматлар мижозларнинг кўпроқ ўзқўзига хизмат кўрсатиш тамойилига асосланади. Хизматларнинг доимий равишда мобиллигини таъминлайди ва мижозларни жалб этиш стратегияси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.** Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 7-29.
- 2.** Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 30-47.
- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.
- 4.** Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 528 б.
- 5.** Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
- 6.** Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.– Тошкент:Ўзбекистон, 2010.– 80б.
- 7.** Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007.–347 б.
- 8.** Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.
- 9.** Муллажонов Ф.М. и др. Банковская система Узбекистана в годы независимости. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 187 с.
- 10.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари.
- 11.**Интернет сайтлари:
www.cbu.uz
www.microfinance.uz
www.stat.uz